



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУГИ**

2019 йил “26” июни

№ 572

Тошкент ш.

Илмий-тадқиқот фаолиятига оид
низомларни тасдиқлаш түғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 февралдаги “2019 йилда вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари түғрисида”ги 5445-сонли фармойишининг 1.2-иловасига мувофиқ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йилда фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2009 йил 28 августдаги 11-10-сон “Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бирлашмалари, уларнинг таркибий ва худудий бўлинмаларида ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ҳамда ижро интизомининг аҳволи мониторингини олиб бориш Тартиби”га мувофиқ

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 февралдаги “2019 йилда вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари түғрисида”ги 5445-сонли фармойишининг 1.2-иловасидаги вазифаларга мувофиқ ишлаб чиқилган “Докторантлар мактаби түғрисидаги низом” 1-иловага, “Талабгорларнинг якка тартибдаги режаси бажарилишини ҳар чоракда мониторинг қилиш тартиби түғрисида низом” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тасарруфдаги олий таълим муассасалари ректорлари ва илмий-тадқиқот муассасалари директорларига:

докторантурда фаолиятини “Докторантлар мактаби түғрисидаги низом”га мувофиқ йўлга қўйиш;

олий ўкув юритдан кейинги таълим институтлари фаолиятини “Талабгорларнинг якка тартибдаги режаси бажарилишини ҳар чоракда мониторинг қилиш тартиби түғрисида низом” талабларига мувофиқ ташкил этиш вазифалари юклатилисин.

3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфига кирмаган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари учун ушбу буйруқ билан тасдиқланган низомлар тавсиявий характерга эга эканлиги таъкидлансин.

4. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазир ўринбосари У.Бегимкулов зиммасига юклансин.

Вазир



И.Маджидов
